

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Бюджет ҳисоби ва давлат жамғармалари” факультети

“Пенсия иши” кафедраси

КУРС ИШИ

Мавзу: Бюджет жараёни босқичлари ва уни ташкил этишда молиявий назоратни кучайтириш масалалари

Бажарди: БПИ-70 гуруҳ талабаси
Т.Тўрақулов

Текширди: к.ўқ. Д.Шолдаров

Тошкент-2014

Режа:

Кириш.

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни босқичлари.
2. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни босқичларининг амалдаги ҳолати
3. Бюджет жараёни босқичлари ва уни ташкил этишда молиявий назоратни кучайтириш масалалари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Ривожланган бозор иктисодиётини шакллантириш жараёнида Президентимиз И.А.Каримовнинг “Барча ислохотларнинг-иктисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл максоди инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат” деган сузларини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

Иктисодий ислохотларни амалга ошириш, иктисодий қонунларни бир меъёр доирасида амал қилиши қўп жихатдан давлатни молиявий сиёсатини асосий бугини Давлат бюджетига боғлиқдир.

Давлат бюджети узида давлат даромадлари ва харажатларини мужассамлаштирган молиявий режадир. Демак халқ хужалигини бутун тармоқларида, хусусан ноишлаб чиқариш тармоқлари (халқ таълими, соғлиқни сақлаш, муҳофаа ва х.к.) да давлат бюджетини роли бекиёсдир.

Мустақилликка эришганимиздан сунг Давлат бюджети тизимида кескин узгаришлар юз берди. Мамлакатни ягона бюджет тизимини яратиш унинг даромадлари қисмини шакллантириш ҳамда доимий ушиб бораётган халқ эҳтиёжларини қондириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолди. 1991 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасини тузиш, айниқса бюджет даромадларини шакллантиришда ва даромадларни бир меъёрдалигини яратишда муҳим қадам бўлди.

Молия тизимининг асосини давлат бюджети ташкил этади. У бир томондан ресурсларни ҳал қилувчи қисмини узида жамлайди. Иккинчи томондан эса барча молия бугинлари ва муоассасаларининг узаро алоқадорлигини таъминлайди, уларнинг фаолиятини муофиклаштириб боради. Бюджет иктисодиётга ишлаб чиқариш жараёнига хужалик ҳаётига давлат томонидан таъсир утқизиш воситасидир. У давлат истеъмолининг молиявий асоси сифатида намоён бўлади, ҳамда давлат томонидан ижтимоий мониторинг учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими давлат бюджети амал қилишининг ташкилий шаклидир. Бундай тизим давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда асосий дастаклардан бири ҳисобланади. Бюджет тизими Республика(давлат) барча бюджетларининг жамланмаси. У давлатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимларига, республиканинг маъмурий бўлинишига асосланади. Бюджет тизимининг ижтимоий иқтисодий ва ташкилий тамоиллари, тузилиши, унда бирлашиб кетадиган бюджетларнинг узаро алоқадорлигини республика бюджет қурилмасини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджет тизими икки бугиндан иборатдир.


Хозирги даврда давлат бюджетини кўриб чиқиш, тузиш, ҳамда бюджетлараро муносабатларни токомиллаштириш хозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бюджет даромадлари ҳамда харажатларини мутаносиб равишда олиб бориш эса жойлардаги молия бошқармалари, бўлимлари ҳамда молия вазирлигининг олдида турган энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни босқичлари.

бюджет жараёни — бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.

1-расм

Бюджет жараёнининг босқичлари¹.



Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни куйидаги тартиб ва босқичларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

¹ Молия назорат маърузалар матни.

тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга;

бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун-республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олингандан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари юқорида таъкидланган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида:

тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаш учун – туман ва шаҳар ҳокимларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Вилоятга бўйсинадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимларнинг бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Бюджет ижросини ташкил этишнинг қонуний-ҳуқуқий асослари¹



Туман ва шаҳар ҳокимларининг молия органлари тегишли қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун – шу туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровларини юборади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

¹ Молия назорат маърузалар матни.

Келгуси молия йилига бюджетдан маблағлар олишга буюртмалар:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига;

республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари молия органлари томонидан – маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгилаган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг йигирма бешинчи июнидан кечиктирмай юқори молия органларига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат маблағларқсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва жорий йилнинг ўн бешинчи сентябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси:

бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини;

умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёри миқдорларини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдорларини;

Давлат бюджети тақчиллигини энг юқори миқдори уни молиялаштириш манбаларини;

Давлат ички ва ташқиқтисоди қарзларининг, давлат томонидан берилладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юқори миқдорларини ўз ичига олади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикасининг бош вазири амалга оширади.

Бюджет жараёнини амалга оширувчи органлар¹.



Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек тегишли ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва ўн бешинчи сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киратади:

мамлактни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳоси;

ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси;

келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари;

¹ Молия назорат маърузалар матни.

мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари;

мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

давлат ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг ўн бешинчи октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар вакиллик органлари томонидан;

шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсинувидаги шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва

харажатлари миқдорини, шунингдек келгуси молия йили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари миқдорини ва бюджетга оид бошқа кўрсаткичларни – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида;

республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек давлат маблағларқсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдорини – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин ўн кунлик муддат ичида етказди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида:

давлат солиқ хизматининг тегишли маҳаллий органлари эътиборига – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг тасдиқланган миқдорини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига – улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорларини етказди.

Давлат бюджети даромадлари Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни, солиқ, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилади.

Щисоблаб чиқарилган, бироқ жорий йилнинг ўттиз биринчи декабригача Давлат бюджетига тўланмаган даромадлар келгуси йилда Давлат бюджетига ўтказилиши керак.

Тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари олувчилар томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан:

республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – тегишли молия органи томонидан сарфланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражада маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилади. Қолдиқларнинг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимларнинг қарорига кўра кўшимча харажатларни амалга оширилишига йаналтирилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмаслиги керак ва улар бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари ҳисобварақларига ўтказилади, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотларининг махсус маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Барча турдаги бюджет даромадлари конунда кузда тутилган муддатларда ва тартибда, шунингдек солиқ ва божхона кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа конунчилик актларда кузда тутилган тарзда шакилланади.

Бюджетга даромадларни уз вақтида келиб тушиши учун солиқ ва божхона органлари маъсулдирлар.

Солик ва бошка мажбурий туловларни бюджетга утказиш муддати конунлар билан белгиланади. Юридик шахслардан туланмаган солиқни сузсиз ундириб олиш солиқ органлари зиммасига юклатилади.

Жорий йилнинг 31 декабригача бюджетга утказилмаган даромадлар кейинги йилда утказилади.

Давлат бюджети харажатлари бюджет маблағларини олувчилар томонидан давлат бюджети тугрисидаги конунда аниқланган смета харажатлари ва йуналтирилиш сертификатларига асосан бюджет ассигнованияси чегарасида амалга оширилади.

Хужалик шартномалари буйича харажат килинмаган бюджет маблағлари кейинги молия йилда бюджет ассигнованияси ҳисобидан туланади.

Республика бюджет ташкилотлари счётида қолган бюджет маблағлари молия йилининг охири иш қунида Республика бюджет счётига утказилади. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган қорхоналар учун ҳам шу тартиб амал қилинади.

Барча даражадаги бюджетларнинг счётларида қолган бюджет маблағлари касса айланмасини шакллантириш учун йуналтирилади.

Тасдиқланган касса айланмасидан қолган қолдиқ маблағ ҳукумат органларининг қарорига қура бошка йуналишларга харажат қилиниши мумкин. Давлат бюджетини касса бажарилишини назорат қилиш Олий Мажлис томонидан вақолатланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади, чунки давлат фюджетини даромад ва харақарлари буйича утказмалар марказий банк қошида очилган ҳисоб – қитоб счётидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига давлат бюджети ижроси тугрисидаги ҳисоботни тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, ассоциялар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Қенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг давлат

бюджетининг бажарилишини бориш тугрисида хар чоракда хисоботини тинглайди.

Мансабдор шахслар молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига тафтиш ва текширувлар утказишда ёрдам беришга мажбурдирлар. Харакати текширилаётган шахслар керакли маълумотларни ёзма ёки электрон шаклда такдим этишга мажбурдир.

Хар йили 1 апрелгача Молия вазирлиги Вазирлар Махкамаси ва Олий Мажлисга утган молия йилидаги узининг тафтиш фаолияти натижалари буйича хисобот беради.

Давлат бюджети Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ижроси юзасидан хисобот:

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари утган молиявий йил буйича хар йили 20 февралдан кечикмасдан хисоботларни узларининг куйи органларидан қабул қилади ва бир вақтнинг узида Молия вазирлигига хисоботлар нусхасини такдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари мос равишда Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқарги Кенгеси ва маҳаллий халқ органларга 25 февралгача куриб чиқиш ва тасдиқлаш учун хисоботлар такдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майгача хисобот тузади ва Вазирлар Махкамасига тадим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бу хисоботни куриб чиқиб тасдиқлагандан сунг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига такдим этилади. Давлат бюджетини бажарилиши тугрисидаги хисобот Олий Мажлис қарори билан тасдиқланади ва бир ойлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

2. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни босқичларининг амалдаги ҳолати

Мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини талаб даражасида қондиришда, яшаш тарзини кутаришда илмий техника прогрессини жорий этишда, фан ва маданиятни ривожлантиришда, мамлакат муҳофафасини сақлашда бюджетнинг ахамияти каттадир. Ҳозирда Ўзбекистон бюджети ижтимоий, иқтисодий бюджет бўлиб, бозор муносабатларига ўтишимизда яқиндан кўмак бераяпти.

4-расм¹



¹ Молия назорат маърузалар матни.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиб, ўз давлат бюджетига, бюджет тизимига, пул бирлигига, миллий валютасини жорий этишга, пул обороти ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссиясини хажмини белгилашга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида 122-моддаси: Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ўз ичига Республика бюджетини, қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетини ва маҳаллий бюджетларини олади. Маҳаллий бюджетларга-вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бюджети киради. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети:

- а) Республика бюджети;
- б) Туман бюджети;
- с) Шаҳар ва овул бюджетларини ўз ичига олади.

Хар қандай давлатнинг бюджет тизими, шу мамлакатнинг давлат тузумига боғлиқ.

Ўзбекистон худудида бюджет тизими орқали бир хил бюджет тавсифномаси ишлатилади, солиқ, нарх, молия сиёсати олиб борилади. Бюджет тизимининг хар бир бўғини ўз олдига қуйидаги мақсадга кўра мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий режаларини амалга оширади. Ўзбекистон бюджет тизими ягона бўлиб, уларнинг хошиш ва истаклари муштаракдир.

Бюджет тизимидаги хар бир бўғин 2 қисмдан иборат:

- а) даромад қисми;
- б) харажатлар қисми.

Даромад ва харажатларни бюджет бўғинлари ўртасидаги тақсимоти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, иқтисодий-молиявий қонунлар ва бюджет ҳуқуқлари асосида тақсимланган. Даромадлар тақсимотида қуйидагиларга эътибор берилади:

корхоналар қаерда жойлашганлиги;

корхоналарнинг ахамияти қандай;

кимга бўй синади.

Харажатларни тақсимлашда муассаса ташкилотларнинг манзилгохи ва хизмат даражасига эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ичида Республика бюджети ахамияти катта. Республика бюджети умуммамлакат ахамиятига эга харажатларни амалга оширади. Шу сабабли бу бюджетга асосий солиқлар даромад манбаи қилиб бириктирилган. Республика бюджети даромаднинг бир қисми- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўртасида қайта тақсимланади.

5-расм¹



Маҳаллий бюджетлар даромади шаклланишида ижобий силжишларга эришиш лозимлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шундай таъкитлаган эди: «Давлат бюджетининг катта қисмини жойларга бериш, бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини оширишдир ҳамда уларни ташаббускорлигини бюджетнинг

¹ Молия назорат маърузалар матни.

ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масулиятини ошири имконин беради. Бундан ташқри, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбааларини қуйидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди».

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ўз вақтида ва тўлиқ тушишини бевосита назорат қиладиган ва таъминлайдиган давлат назорат органи бўлиб солиқ инспекциялари ҳисобланади. Шу билан бирга,

солиқ инспекциялари мулк шаклидан катъий назар барча корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини текширадилар;

солиққа тортиш базасини тугри аниқланганлигини назорат қилади;

барча субъекларни, шунингдек, солиққа тортишнинг объектларини кайддан ўтказди;

давлатга ўтказилган мулкларни, эгасиз мулкларни ҳисобга олади, баҳолайди ва сотишни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарувида Бош назорат-тафтиш бошқармаси, маҳаллий молия органларида назорат-тафтиш бошқармалари фаолият курсатади. Назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг жойлардаги булимлари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишлаб чиқариш-молия фаолятини тафтиш қиладилар.

Бюджет назоратида бюджет маблағларини харажат моддалари буйича сарфланишини назорат қилишга катта эътибор берилади. Бунинг боиси шундаки, бюджетнинг касса ижроси жараенида айрим харажат моддалари буйича белгиланган харажат суммасига нисбатан ортикча молиялаштирилганлиги, айрим моддалар буйича сметада курсатилган молиялаштиришнинг амалга оширилмаганлиги ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, ажратилган маблағнинг мақсади буйича ишлатилмаслигига йул қуйилмоқда; иккинчидан, тижорат банкларининг ахборот кассасида нақд пулларнинг

етишмаслиги молиялаштиришни тулик амалга ошириш имконини бермайди; учинчидан, маблагларни ажратишда кечикиш холлари мавжуд.

Маълумки, ривожланган хорижий давлатлардан фаркли уларок, Узбекистонда давлат бюджетининг касса ижросининг ассосий кисми тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Республикамизда накд пул массасининг усиши устидан урнатилган назорат айрим холларда банк кассасидан накд пулларни чиқим килиниши маълум вақт тухтатиб куйилади. Ривожланган хориж давлатларда, масалан, Германияда давлат бюджетининг касса ижроси тулик марказий банк томонидан амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, давлат бюджетининг касса ижроси пайтида накд пулларнинг етишмай колиши холларига бархам бериш максадида бюджет харажатлари учун берилган накд пулларни эмиссия режасини бажарилишида хисобга олмаслик максадга муофикдир.

Бюджет ташкилотлар учун озик-овкат, дори-дармон махсулотларини юкори бахоларда харид килиниши бюджет маблагларини ушбу махсулотни етказиб берувчи корхоналар фойдасига кайта таксимланишга олиб келади. Шу сабабли , бюджет назоратида ушбу масала назоратининг доимий объекти булиб булиши керак.

6-расм¹

¹ Молия назорат маърузалар матни.

Б ю д ж е т н о м а



Маълумки давлат умумжаҳон иқтисодий ҳаётида муҳим рол уйнайди. Буни исботи бўлиб давлатнинг жамият учун мулжалланган ранг-баранг харажатлари мисол бўлади. Бюджет харажатларининг механизми ва структураси бевосита давлатнинг олдида турган бурч ва мажбуриятлардан келиб чиқади. Бюджет харажатларининг туркумланиши давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатига боғлиқдир.

Бюджет харажатларининг максадли йуналиши шартли ҳолатда иккига бўлинади:

Жорий харажатлар

Ривожлантириш харажатлари

Жорий харажатлар, тармоқлар иқтисодиетини молиялаштиришга ижтимоий маданий тадбирларни молиявий ресурслар билан таъминлашга ва қуйи бюджетларга дотация, субвенция беришга йуналтирилади.

Ривожлантириш харажатлари, асосан давлатнинг инвестицион тадбирларига йуналтирилади.

Бюджет харажатларининг умум қабул қилинган туркумланиши асосан 4 бўлимдан иборатдир:

Ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш

Тармоқлар иқтисодини молиялаштириш (марказлашган инвестиция)

Мудофаа харажатлари

Бошқарув харажатлари

Мустақилликка эришгандан сунг бюджет харажатларининг салмокли кисмини ижтимоий-маданий маориф, согликни саклаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, вақтли матбуот ва бошқалар. Мазкур булимда кам таъминланган аҳоли катламини иқтисодий куллаб-қувватлаш тадбирлари хам амалга оширилмоқда.

Салмоги жихатидан кейинги уринда турадиган бюджет харажати бу тармоқлар иқтисодини ривожлантириш ва марказлашган инвестиция харажатларидир. Тармоқлардан, асосан енилги-энергетика комплекси, транспорт, кишлок хужалиги, тоғ-кон саноати ва бошқалар. Марказлашган инвестиция асосан умумжамият ахамиятига эга булган корхоналар куриш ехуд бошланганларни тугатишга мулжалланган харажатлар. УзДЭУ авто, Зарафшон Ньюмонт, нефтни кайта ишлаш заводлари ва бошқалар.

Бюджет харажатларида мудофаа харажатлари хам мухим урин тутади. Харбий аскарлар ва офицерлар таркибини молиявий таъминлашга, харбий курул яроғларни харид килишга, капитал курилишга ва истефодаги харбийларни пенсия ва нафака билан таъминлашга.

Бошқарув харажатларига: давлат хукумат бошқарув органларини, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари, миллий хавфсизлик комитети ходимлари ва бошқалар.

Давлат бюджети харажатларидан давлатни ички ва ташки карзларини тулашда хам кенг фойдаланилади.


Давлат бюджетининг куйи бўғини бўлган махаллий бюджетлардан асосан маорифга, согликни саклашга, ижтимоий таъминотга, маданиятга маблағлар сарф этилади. Бу харажатлар смета асосида режалаштирилади, молиялаштирилади. Бозор иқтисодиети шароитида махаллий бюджетларга эътибор купаймоқда. Уларни куллаб-қувватлашга харакат килиняпти. Хозирча такчиллик даврида асосий моддаларга маблағ берияпти, чунки

янги харажатлар келиб чиққанлиги сабаблимаблаглар етишмаяпти. Махаллий бюджетлар муаммолари куп, уларни урганиш керак.

Махаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Махаллий бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб борилади.

7-расм

Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисобот тақдим этиш тартиби¹



Махаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Махаллий бюджетлар орқали асосан ҳукуматнинг ижтимоий харажатларининг асосий қисми молиялаштирилмоқда. Буни 2-жадвал маълумотлари орқали яққол куриш мумкин.

¹ Молия назорат маърузалар матни.

Маълумотлардан қуриниб турибдики маҳаллий бюджет харажатларининг Республика давлат бюджет харажатлари хажмидаги салмоғи таҳлил қилинган давр мобайида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса маҳаллий бошқарув органлари зиммасига жойлардаги муаммоларни табора купрок қисмини ҳал этиш вазифаси юклатилаётганидан далолат беради.

Айни вақтда давлат бюджетидан ва марказлашга кредитлар ҳисобидан қишлоқ хужалиғига йирик миқдорда маблағ ажратилмоқда. Маҳаллий бюджетларнинг қишлоқ хужалиғини молиялаштиридаги салмоғи 7-9 фоиздан ошмаяпти. Бу ҳолатни нормал дейиш асло мумкин эмас. Маҳаллий бошқарув органлари қишлоқ хужалиғи билан яқиндан иқтисодий муносабат урнатилари лозим, чунки туман ва вилоят бюджетлари молиявий жиҳатдан қишлоқ хужалиғи билан яқин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи томонидан, бошқариладиган молия органлари жойларда маҳаллий бюджетларга даромадларни жалб қилиш ва бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат урнатадилар. Молиявий назоратнинг бу тури бюджет назорати деб аталади. Бюджет назорати бюджет даромадларини ўз вақтида ва тулик келиб тушиши ва иқтисодий ривожлантиришни таъминлайдиган оқилона бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Бюджет жараёни босқичлари ва уни ташкил этишда молиявий назоратни кучайтириш масалалари.

Махаллий бюджетлар даромадлар тизимини оқилона моделини шакиллантириш Ўзбекистон Республикасидаги ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни узгартиришига асосланган. Ўзбекистон Республикаси махаллий бошқарув органларининг бюджет мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шarti махаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлар ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси махаллий ҳокимият органлари бюджетларининг даромадлари таркибида тартибга солувчи даромадлар ҳисобидан қилинадиган ажратмалар асосий уринни эгаллайди.

Ҳолбуки, махаллий бюджетларининг уз бириктирилган даромадлари авсосий даромадлар манбайи булиб ҳисоланиши керак.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш махаллий бюджетларни даромадлар базасини бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилади:

Махаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларини йирик ва барқарор тушум манбайи булган солиқ турларини ҳисобига ошириш.

Махаллий бюджетларнинг барча вилоят булимларига ягона мезон асосида умумдавлат солиқларидан ажратмалари килиниши керак. Республик бюджетида коладиган даромадлар маълум бир мезон асосида амалга оширилиши лозим. Бизнинг фикримизча, бюджетнинг режалаштириш амалиетиға махсус ижтимоий ва молиявий нормативлар жорий килиш лозим. Масалан, ҳар бир кишининг ижтимоий махсулотлар ва хизматлар билн минимал даражада таъминланганлик нормативини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим. Ушбу ижтимоий хизматлар (неъматлар)ға соғлиқни сақлаш, халқ таълими, уй жой коммунал хужалиғи соҳасидаги ижтимоий неъматлардан баҳраманд булиш ҳам киради. Мазкур нормативлар мамлакатнинг айрим ҳудудлари буйича уларнинг иқлимий ва демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган булиши лозим.

Махаллий бошқарув органларига купрок мустақиллик бериш уларнинг фаолиятини молиявий асоси булган махаллий бюджетларнинг ҳам даромадлар ва харажатларини шақилланишида купрок мустақиллик эға булишини таказо килида.

Юқорида айтиб утилган ижтимоий ва молиявий нормативларни жорий килиниши улар мустақиллигини мустаҳкамловчи омилдир.

Айни вақтда юқори бюджетдан ажратилган дотациялар ва субвенцияларни бериш тартибини ҳам сифат жихатидан янги даражаға курсатиш масаласи юзаға чиқади.

Бизға маълумки, махаллий бюджетларни маблағ билан таъминлаш усули сифатида кулланилаётган дотация ва субвенцияларни беришнинг ҳозирги тартиби давр талабига жавоб бермайди. Бу манбаалар рағбатлантирувчилик хусусиятиға эға эмас, улар махаллий бошқарув органларида боқимандалик кайфиятларини юзаға келтииради, ишлаб чиқариш захираларини имконини бермайди, бюджетларнинг даромадлар қисмини ошириб бажариш имкониятини камайтиради. Шунға қарамсдан дотация ва субвенциялардан махаллий бюджетларға маблағ ажратиш

усули сифатида фойдаланишга чек қўйиш мумкин эмас. Расман, маҳаллий бюджетларга етарли даражада даромадлар манбааларини бirkитиш йули билан дотация ва субвенцияларни бекор қилиш мумкин, ёки бундай даромад манбааларини тулик маҳаллий бюджетлар ихтиерига бериб қўймасдан, балки улар ҳисобидан қилинадиган ажратмалар миқдорини ошириш йули билан дотация ва субвенцияларни бекор қилиш мумкин. Аммо бу оғир ижтимоий оқибатларга олиб қелиши мумкин.

Масалан, ушбу даромадлар манбалари булган солиқларни ундиришда жиддий муаммолар ва нобарқарорликлар юзага келса маҳаллий бюджетларда доимий тарзда қасали фарқлар юзага келади ва натижада юқори бждетдан мутатсил равишда қсуда олишга тугри келади. Оқибатда режали тадбирларни молиялаштиришда жиддий қийинчиликлар юзага келади.

Шу сабабли, бизнинг фикримизча, юқори бюджетдан бериладиган маблағларнинг аниқ мақсади қўрсатилиши, яъни субвенция шаклида берилиш лозим.

Бюджетни бошқариш жараёнида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият қасб этади. Ўзбекистон республикаси маҳаллий бошқарув органларининг бюджетли таъминланганлик даражаси турличадир. Айниқса, қошқок хужалигига иқтисослашган, саноат яхши ривожланмаган маъмурий ҳудудларда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар манбаи тулалигича тартибга қолувчи даромадларга боғлиқ бўлиб қолган. Бундай шароитда ижтимоий ҳаражатлар бюджет орқали тартибга қилиш механизми востасида миолиялаштирилади.

Жаҳон бюджет амалиетида бюджет ҳаражатларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шартларидан бири молиявий нормативлар асосида молиялаштирилиш ҳисобланади. Молиявий нормативларни ишлаб қўйиш қўйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим:

ижтимоий меерларни бевосита еки билвосита аниклаш имконини берувчи конун хужжатларидан максимал даражада фойдаланиш;

алохида туман ва вилоятларнинг ижтимоий иктисодий ва табиийжугрофий хусусиятларининг ҳисобга олишнинг зарурлиги. Масалан, республика аҳолисининг 30 фоизга яқини Фаргона водийсида яшайди, холбуки, водидаги 3 та вилоят ҳудуди биргаликда Сурхандаре вилоятидан кичик;

ижтимоий сохани молиялаштирилишнинг ҳал қилинмаган масалаларини тартибга солувчи конун хужжатларини ишлаб чиқиш;

алохида туман ва шаҳарларга нисбатан молиявий нормтиларни аниклашда объектив тарзда ендошиш;

барча туман ва шаҳарларга нисбатан ягона мослаштирувчи коэффицентлар куллаш.

Ушбу шарт-шароитларни юзага келтириш учун, аввало, ижтимоий сохани бюджет орқали молиялаштирилишнинг замонавий норматив базасини юзага келтириш лозим. Илмий асосланган, янги молиявий нормативлар асосида бюджетни режалаштириш ҳудудий ижтимоий сиесатни амалга ошириш инструменти сифатида:

Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар уртасида ижтимоий сохани молиялаштириш харажатларини аник белгилаб олиш имкониятини беради;

мамурий ҳудудларнинг бюджет маблағларига булган эҳтиежларини ижтимоий стандартларга асоаланган молиявий нормативлар асосида аниклаш имконини беради;

бюджетларнинг узаро муносабатларини тартибга солиш мезонларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёнини такомиллаштириб бориш объектив заруриятдир.

Замонавий шароитларда бюджет тизимини ислоҳ қилиш иқтисодий вазиятнинг объектив талаблари билан асосланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам бюджет орқали тартибга солишнинг роли камайди, чунки жамият бозорнинг қудрати етмайдиган жараёнлар устидан назоратни амалга оширувчи кучли ва обрўли ҳокимиятга муҳтожлиги йўқолмайди, аксинча бюджет булар учун молиявий ресурсларни тўплаш ва охир оқибатда уларни сарфлаш имконини беради.

Жамиятни демократиялашуви жараенининг чуқурлашиб бориши маҳалаллий ҳокимият бошқарув органларининг жойлардаги ижтимоий ва иқтисодий маслаларининг ҳал қилиш борасидаги ҳуқук ва мажбуриятларининг ошиб боришига олиб келади. Бу объектив жараён булиб, асосан, икки омил билан изоҳланади:

а) Маҳаллий бошқарув органлари жойлардаги муаммоларни мохиятини чуқур англаб етадилар.

б) Маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқук ва мажбуриятларини оширилиши уларга бириктирилган маъмурий ҳудудлардаги муаммоларни тез ва сифатли ҳал қилиш имконини беради.

2. Ўзбекистон Республикаси «Бозор муносабатлари»га утишнинг устивор йуналишларидан бири «Аҳолини ижтимоий жихатдан химоя қилиш» ҳисобланганлиги сабабли Давлат бюджети ва шу жумладан, маҳаллий бюджетларининг харажатлари таркибида ижтимоий тадбирларни молиялаштириш харажатлари асосий уринни эгаллайди.

Республикамызда кенг куламда амалга ошириляётган ислохотларнинг биринчи боскичида орттирилган тажриба асосида инсон ва оила ҳаётининг

барча сохаларини таъминлашга қаратилган ва бир бирини тулдирувчи чора-тадбирларнинг бутун бир тизими шакилланди. Ушбу жараенда шакилланган йуналишлар доирасида ижтимоий куллаб қувватлаш шакллари ва воситаларини такомиллаштириш жараени тинимсиз давом этмоқда.

3. Бюджет назоратида бюджет маблағларини харажат моддалари буйича сарфланишини назорат қилинишига катта эътибор берилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, бюджетнинг касса ижроси жараенида айрим харажат моддалари буйича ортиқча молиялаштириш юз беради, айрим моддалар буйича эса, сметада қурсатилган молиялаштиришнинг амалга оширилганлиги ҳоллари учраб туради.

